

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022/1 - сонли

Тошкент вилояти.

" 6 " 07 2022 йил

“Тошкент вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси” (кейинги ўринда “*буюртмачи*”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Бекмурзаев Джахонгир Каримович** бир томондан ва (кейинги ўринларда “*пудратчи*”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Бука ТИФУК** иккинчи томондан, бюджет маблағлари ҳисобидан Тошкент вилояти **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси** ва «Маҳаллий давлат ҳокимияти тугрисида»ги Қонуннинг 6.25-моддаларига ҳамда халқ депутатлари Охангорон туман Кенгашининг VI -61-47-10-134 К/22-сонли қарорига асосан жамоатчилик фикри асосида шакилланган тадбирлар рўйхатида киритилган 2022йил учун манзил рўйхатида қирилган Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўлларида жорий таъмирлаш ишларини бажаришга доир мазкур хизмат кўрсатиш шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект жорий таъмирлашга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича *буюртмачи* томонидан *пудратчи*га ажратилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича объектда жорий таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, *буюртмачи* эса *пудратчи*га жорий таъмирлаш ишларини ўз вақтида қабул қилиш ва молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. *Буюртмачи* томонидан молиялаштирилаётган қурилиш нархи тасдиқланган манзилли дастурда ажратилган маблағ бўйича аниқланади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича объектда бажариладиган ишлар қиймати барча ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги нархларда шартноманинг умумий қиймати ҚҚС билан 969321461(Туккиз юз олтмиш туккиз миллион уч юз йигирма бир минг турт юз олтмиш бир)сўмни ташкил этиб, мазкур маблағ молия бошқармаси томонидан ажратилгач 3 кун муддатда тегишли тартибда молиялаштириш жадвалига асосан *пудратчининг* ҳисоб рақамига ўтказиб бериш назарда тутилади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- объектнинг жорий таъмирлаш ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми *буюртмачи* томонидан ўзгартирилганда;

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар *буюртмачи* билан *пудратчи* ўртасидаги шартномага қўшимча қилишув билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича *пудратчи* шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин;

- смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари *Пудратчи* томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни мазкур объектнинг айрим харажатлари бўйича қурилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида *буюртмачининг* рухсати билан йўналтирилиши мумкин;

- объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва *буюртмачи*га топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

- шартнома шартларига асосан объектни *буюртмачи*га тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

- пудратчи* қурилиш давомида смета ҳужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни аниқласа, бу тўғрида *буюртмачи*га хабар бериши шарт;

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг I-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан қурилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни *Буюртмачи*га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, транспорт воситалари, анжомлар, қурилиш материаллари, буюмлар вақтинчалик бинолардан бўшадади;

- қурилиш майдони қўриқланишини таъминлайди;

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича барча ишларни сифатли бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун *буюртмачи* олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

4.3. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача *пудратчи* жорий таъмирлаш ишларини бажарилишини қайд этиш дафтарини юритади. Агар *буюртмачи* ишларнинг бориши ва сифатидан ёки *пудратчининг* қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтариди ўз фикрини баён қилади.

4.4. *Пудратчи* дафтарда *буюртмачи* томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун *буюртмачи*:

-ишлар бажарилиши устидан мазкур шартномада қайд этилган *пудратчи* томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, *пудратчидан* тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

-*пудратчининг* барча муурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

-молиялаштириш жадвалига биноан *пудратчи*га молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан белгиланган ишлар қийматининг **30 фоизи миқдорида бўнак (аванс) бериш** ва ҳар ойда ажратилган аванс мутаносиб равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 100 фоизигача жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

-5 кунлик муддат ичида *пудратчи* томонидан тақдим қилинган ҳисоб-фактураларни расмийлаштириб беришни ўз зиммасига олади. Агарда тақдим қилинган ҳужжатларда камчиликлар аниқланса уларни кўрсатган ҳолда *пудратчи*га қайтариб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. *Пудратчи* мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Мазкур шартнома бўйича жорий таъмирлаш ишларининг муддати бажариш жадвали бўйича амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР

7.1. *Буюртмачи* *пудратчи*га шартноманинг 2-иловасига мувофиқ бўнак(аванс) маблағи ўтказиши.

7.2. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган "Маълумотнома-ҳисоб-фактура"га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблағининг ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар миқдоридан фоиз ҳисобида тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, амалга оширилади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. *Буюртмачи* объектда ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у *буюртмачининг* номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек *Пудратчи* томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. *Пудратчи* таъмирлаш даврида *буюртмачининг* вакилини (техник кузатувчини) вақтинчалик яшаш жойидан таъмирланадиган йўл қисмига бориб келишига транспорт, объектда иш жойи билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

8.3. *Пудратчи* объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини бажариш ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни *буюртмачи* томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан объектнинг ўзиди кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни *буюртмачи*га топширади.

8.4. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларида шартнома амал қилиш муддатидан кечикмаган ҳолда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

8.5. *Пудратчи* ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.6. *Пудратчи* ишларни смета ҳужжатларига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.7. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади.

Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.8. *Пудратчи* *буюртмачининг* қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

Агар беркитиладиган ишлар *Буюртмачининг* тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича *Пудратчи* *Буюртмачининг* кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.9. Агар *буюртмачи* *пудратчи* ва (ёки) унинг ёрдамчи *Пудратчилари* томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда *Пудратчи* ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қилишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. *Пудратчи* таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва жорий таъмирлаш тугалланган объект *буюртмачи* томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавкулотда вазиятлар, фавкулотда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч, ер тебраниши, сув тошқини, кўчки ва ҳоказо) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, *Пудратчи*да зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда *Пудратчи* ва *Буюртмачи* ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек жорий таъмирлаш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

11.2. Объектда жорий таъмирлаш ишлари тугаллангандан сўнг:

1). Маҳаллий ички хўжалик йўлларини қуриш ва таъмирлаш объектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўқазилади;

Бунда, *Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган стандартларга мувофиқ махсус лицензияга эга, лаборатория синовлари қурилиш соҳасидаги амалда бўлган меъёрий ҳужжатлар, қурилиш нормалари ва қоидалари бўйича фаолият юритадиган. Маҳаллий ички хўжалик йўллари қуриш ва таъмирлаш объектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўқазилган, кўп йиллик тажрибага эга корхона (ташкilot, муассаса, жамият)ларнинг Лаборатория синов натижалари бўйича ҳулосаларини олиш талаб қилинади.*

2). Бажарилган ишлар (хизматлар)ни ҳақиқий иш ҳажмининг аниқлаш учун банк мутахассислари *ўлчов назорати* ўтказилади (*ўлчов назорат* харажати пудратчининг бошқа харажатлари ҳисобидан қопланади);

3). Пудратчи ташкilotи томонидан тугалланган объектни қабул қилиб олиш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштиради ва буюртмачига хабарнома юборади;

4). *Ички йўллари жойларда фойдаланишга қабул қилиш юзасидан тузилган ишчи гуруҳ* томонидан фойдаланишга қабул қилингандан сўнг, Буюртмачи томонидан якуний ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

11.3. *Пудратчи* ташкilot ишчи гуруҳига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкilotлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;
- қабул қилишга тақдим этилган йўлнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;
- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;
- йўл-қурилиш материаллари ва йўл тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупроқ жинслари) синовлари журналлари, мувофиқлик сертификатлари;
- ишларни бажариш журнали;
- ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш "Йўл қурилиш сифат назорат қилиш" давлат инспекцияси томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф қилинганлиги тўғрисидаги далолатномалари.

11.4. *Пудратчи* жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ *буюртмачига буюртмачи* томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. *Пудратчи буюртмачига* ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.5. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йўлнинг ваколатли органи балансига ўтади.

XII. КАФОЛАТЛАР

12.1. *Пудратчи*:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; смета ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларга мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бартараф этишни;

12.2. Объектда бажарилган ишларнинг кафолатли муддати томонлар жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар *пудратчи* томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари *пудратчи* ва *буюртмачининг* икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар *пудратчи* бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатларга асосан жавобгарликка тортиш тўғрисида ўрнатилган тартибда қонунни муҳофаза қилувчи муассасаларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

13.1. *Буюртмачи*:

-шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши *буюртмачига* боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *пудратчи* томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати *Пудратчининг* айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

-*Пудратчи* томонидан шартнома шартлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.2. *Пудратчи*:

-ишларнинг бажарилиши *пудратчига* боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *Буюртмачи* томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

-*буюртмачи* томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

-конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Мазкур шартнома бекор қилишга қарор қилган томон ушбу бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.4. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.5. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги 670-сонли Қонуни ва бошқа конун ҳужжатларида, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Жорий таъмирлаш ишларини олиб бораётган *пудратчи* ташкилот қонунчиликка ва ушбу шартномага мувофиқ *буюртмачи* олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкый жавобгардир:

-сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

-объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалланмаганлиги;

-*буюртмачи* билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ишлари муддатларини бузилиши;

- жорий таъмирлаш жараёнида ёки оралиқ қабул қилишда *Пудратчи*, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун *буюртмачи пудратчига* кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши *Буюртмачини* шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

14.3. *Пудратчи* томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, *пудратчи буюртмачига* муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш *Пудратчини* ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.4. *Буюртмачи Пудратчининг* бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида *Буюртмачига* қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, *Буюртмачи* ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

14.5. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судида эътироз тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган томон олгандан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган тарафлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. *Пудратчи* қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини *буюртмачининг* ёзма рухсатисиз, ёрдамчи *пудратчилардан* ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. *Буюртмачи* билан *пудратчи* ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар, ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

16.6. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

16.7. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

XVII. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

17.1. Шартнома амал қилиш муддати: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

17.2. Мазкур шартномага қуйидагилар илова қилинади;

1-илова – Бажариш жадвали,

2-илова-Молиялаштириш жадвали

XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

“Тошкент вилояти автомобиль йуллари бош
бошкармаси”

Тошкент вилояти Нурафшон шаҳри Бобур кўчаси 119 уй

Ш/х: 4017 2286 0272 1270 4519 3118 001

ИНН: 200 826 857

Молия Вазирлиги ягона газначилик ҳисоб varaги

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош
бошкармаси ХККМ

Х/р 2340 20000 3001 0000 1010

МФО: 00014 СТИР 201 122 919

ПУДРАТЧИ

Бука туман йуллардан фойдаланиш
унитар корхонаси

Манзил: Бука тумани Хожиметов й. ф/у

Тел. 0-370-573-64-78

Х.р. 2021 0000 1001 3350 8001

МФО 00981 СТИР 200 433 950

Банк номи: Тошкент ХАТБ «Давр банк»

Амалиёт бошкармаси.

Директор

Д.К. Бекмурзаев

Рахбар директор

Юсупов А.

(лавозими) (Ф.И.О)

(имзо)
М.Ў.

Тошкент вилояти Охангорон тумани
 4н712д А-373а/йулидан Тут кишлогига шахобча(0-5)км
 жорий таъмирлаш
 2022 йил "6.04" даги 2022/1 -сонли шартномасига
 1-илова

Тошкент вилояти Охангорон тумани 4н712д А-373а/йулидан Тут кишлогига шахобча(0-5)км жорий таъмирлаш

БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ

сўм

№	Амалга ошириладиган ишлар	Йиллар	2022 йилда объект қиймати												Иш турлари бўйича умумий қиймати
			I чорак			II чорак			III чорак			IV чорак			
			январь	феврал ь	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
1	Жорий таъмирлаш	2022							969321461						969321461
ҲАММАСИ:		2022							969321461						969321461

БҲҮҮРТМАСИ:

Бекмурзаев Д.К.



ПҮДРАТЧИ:



Юсупов А.

Тошкент вилояти Охангорон тумани
4н712д А-373а/йулидан Тут кишлогига шахобча(0-5)км
жорий таъмирлаш
2022 йил "6.07." даги 2022/1 -сонли шартномасига

1-илова

Тошкент вилояти Охангорон тумани 4н712д А-373а/йулидан Тут кишлогига шахобча(0-5)км жорий таъмирлаш

МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

№	Амалга ошириладиган ишлар	Йиллар	2022 йилда объект қиймати												Иш турлари бўйича умумий қиймати
			I чорак			II чорак			III чорак			IV чорак			
			январь	феврал ь	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
1	Жорий таъмирлаш	2022							969321461						969321461
ҲАММАСИ:		2022							969321461						969321461

БУЮРТМАЧИ:

Бекмурзаев Д.К.



ПУДРАТЧИ:

Юсупов А.



Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 104456 на приобретение Охангорон тумани «Тут МФЙ» 4н712д А-373 автомобиль йулидан Тут кишлогига шахобча (0-5)» кмда жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 27.06.2022

Время рассмотрения 26.06.2022 00:36

Конкурсная комиссия Тошкент вилояти Автомобил йуллари бош бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	TAGAYEV SHUXRAT ASHIRBAYEVICH	Бош муҳандис	Тошкент вилояти АЙББ
Член комиссии	UKKIYEV XASAN RISQIMBOYEVICH	спец отдела мониторинга	ТОШ вил АЙББ
Секретарь комиссии	NAZAROV ANVAR XOLIQULOVICH	Начальник отдела ПТО	Тош вил АЙББ
Член комиссии	GANIYEV TAXIR TURGUNOVICH	Коррупцияга карши курашиш ички назорат буйича Бош мутахассис	Тошкент вилояти автомобиль йуллари бош бошкармаси
Член комиссии	XAITOV JAMSHID ABDIMALIKOVICH	юрист	Тош вил АЙББ
Член комиссии	MAXMANOV ANVAR BERDIRAXMATOVICH	начальник финансового отдела	Тошкент вилояти автомобиль йуллари бош бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 27.06.2022 года № лота 104456.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Охангорон тумани «Тут МФЙ» 4н712д А-373 автомобиль йулидан Тут кишлогига шахобча (0-5)» кмда жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	1021 687 833.00
Стартовая сумма	1021 687 833.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 III. Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси 4-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Энг яхши таклифларни танлашдаги ўхшаш ишларни (автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция

қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш) ўз кучи билан бажариш: йилига N (N-Буюртмачи бошланғич нархининг 50%) сўм ва ундан кўп. (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади). 2. Энг яхши таклифларни танлаш савдодагига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"BO'KA TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH" unitar korxo	25	969321461	25	Экспертная		
AVANGARD IDEAL PLYUS MCHJ	25	25	15	Экспертная		
PARKENT TUMAN YO'L.FOYD.UK	25	25	25	Экспертная		
УП QIBRAY TUMAN YO'LLARDAN FO	25	956687833	25	Экспертная		
УП OHANGARON TUMAN YO'LLARDAN	25	25	25	Экспертная		
ООО IDEAL ASFALT BROK	25	4-шакл	15	Экспертная		
"EURO GLOBAL ASPHALT" МЧЖ	25	Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси 4-шакл	25	Экспертная		

Критерий №2 I. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар 1- шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилишда иш тажрибасига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 2. 3 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар). 3. Ишлаб чиқариш техника бўлимида 3 йил иш стажига эга дипломи 1 та мутахассисни мавжудлиги.. 4. Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги.. 5. Мехнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"BO'KA TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH" unitar korxo	19	969321461	19	Экспертная		
AVANGARD IDEAL PLYUS MCHJ	19	19	13	Экспертная		
PARKENT TUMAN YO'L.FOYD.UK	19	20	19	Экспертная		
УП QIBRAY TUMAN YO'LLARDAN FO	19	956687833	19	Экспертная		
УП OHANGARON	19	19	19	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TUMAN YO'LLARDAN						
ООО IDEAL ASFALT BROK	19	1-3 шакл	11	Экспертная		
"EURO GLOBAL ASPHALT" МЧЖ	19	Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар 1-шакл	17	Экспертная		

Критерий №3 II. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи. 2 ва 3-шакллар

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп.. 2. Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги. 3. Ўтган йилда 100 млн. сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги. 4. Иш ҳақи фонди 100 млн. сўм. 5. Тўловга қодирлилик ёки қоплаш коэффиценти 1,25 ва ундан кўп. 6. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти 0,2 ва ундан кўп.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"BO'KA TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH" unitar korxo	34	969321461	34	Экспертная		
AVANGARD IDEAL PLYUS MCHJ	34	34	18	Экспертная		
PARKENT TUMAN YO'L.FOYD.UK	34	35	34	Экспертная		
УП QIBRAY TUMAN YO'LLARDAN FO	34	956687833	34	Экспертная		
УП OHANGARON TUMAN YO'LLARDAN	34	34	24	Экспертная		
ООО IDEAL ASFALT BROK	34	2-3ШАКЛ	6	Экспертная		
"EURO GLOBAL ASPHALT" МЧЖ	34	Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи. 2 ва 3-шакллар	0	Экспертная		

Критерий №4 IV. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг Машина ва механизмлар руйхатн, 5-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳани бажариш учун, кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги, жумладан: 1. Юк кўтариш қуввати 10 тоннадан кам бўлмаган бортли ўзлағдарувчилар - 2 дона; 2. Асфальтётқизгич кенглиги 6,5 метргача - 1 дона; 3. Ҳар хил йўл зичлағичлар - 2 дона (бир хил зичлағичлар 1 та ҳисобига саналади); 5. Автогрейдер -1 дона; 6. Ювиш машинаси- 1 дона (ижара асосидаги қурилиш техникалари баллари 30% камайтирилади). 7. Лойиҳани бажариш учун зарур

бўлган 10 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларининг мавжудлиги.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"BO'KA TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH" unitar korxo	20	969321461	20	Экспертная		
AVANGARD IDEAL PLYUS MCHJ	20	20	7.8	Экспертная		
PARKENT TUMAN YO'L.FOYD.UK	20	20	17.4	Экспертная		
УП QIBRAY TUMAN YO'LLARDAN FO	20	956687833	17.4	Экспертная		
УП OHANGARON TUMAN YO'LLARDAN	20	20	16.85	Экспертная		
ООО IDEAL ASFALT BROK	20	5-ШАКЛ	0	Экспертная		
"EURO GLOBAL ASPHALT" МЧЖ	20	Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг Машина ва механизмлар руйхатн, 5-шакл	13	Экспертная		

Критерий №5 V. Курилиш (таъмирлаш) майдонини (объектини) кўздан кечирганлиги ва лойиҳани ўрганганлиги тўғрисида маълумотнома, 6-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Курилиш (таъмирлаш) майдонини (объектини) кўрганлиги ва ўрганиб чиққанлиги.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"BO'KA TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH" unitar korxo	2	969321461	2	Экспертная		
AVANGARD IDEAL PLYUS MCHJ	2	2	2	Экспертная		
PARKENT TUMAN YO'L.FOYD.UK	2	2	2	Экспертная		
УП QIBRAY TUMAN YO'LLARDAN FO	2	956687833	2	Экспертная		
УП OHANGARON TUMAN YO'LLARDAN	2	2	2	Экспертная		
ООО IDEAL ASFALT BROK	2	6 шакл	2	Экспертная		
"EURO GLOBAL	2	Курилиш	2	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ASPHALT" МЧЖ		(таъмирлаш) майдонини (объектини) кўздан кечирганлиги ва лойиҳани ўрганганлиги тўғрисида маълумотнома, 6-шакл				

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
"EURO GLOBAL ASPHALT" МЧЖ	1 021 687 833.00	960 351 965.00	23.06.2022 11:31:08	
AVANGARD IDEAL PLYUS MCHJ	1 021 687 833.00	920 540 737.00	23.06.2022 09:05:42	
ООО IDEAL ASFALT BROK	1 021 687 833.00	977 538 437.00	23.06.2022 11:22:12	
УП QIBRAY TUMAN YO'LLARDAN FO	1 021 687 833.00	956 687 833.00	23.06.2022 10:21:52	29.32
УП OHANGARON TUMAN YO'LLARDAN	1 021 687 833.00	960 878 400.00	23.06.2022 10:29:20	29.19
"BO'KA TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH" unitar korxo	1 021 687 833.00	969 321 461.00	22.06.2022 17:46:50	28.94
PARKENT TUMAN YO'L.FOYD.UK	1 021 687 833.00	935 000 000.00	23.06.2022 10:09:41	30.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"EURO GLOBAL ASPHALT" МЧЖ	39.9		39.9
AVANGARD IDEAL PLYUS MCHJ	39.06		39.06
ООО IDEAL ASFALT BROK	23.8		23.8
УП QIBRAY TUMAN YO'LLARDAN FO	68.18	29.31991	97.49991
УП OHANGARON TUMAN YO'LLARDAN	60.795	29.19204	89.98704
"BO'KA TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH" unitar korxo	70	28.93777	98.93777
PARKENT TUMAN YO'L.FOYD.UK	68.18	30	98.18

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 104456 от 27.06.2022 года на приобретение Охангорон тумани «Тут МФЙ» 4н712д А-373 автомобиль йулидан Тут кишлогига шахобча (0-5)» кмда жорий таъмирлаш определила победителем:

"BO'KA TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH" unitar korxo
200433950

и резервный исполнитель: PARKENT TUMAN YO`L.FOYD.UK (200571037)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	GANIYEV TAXIR TURGUNOVICH	Согласен	
Председатель комиссии	TAGAYEV SHUXRAT ASHIRBAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	XAITOV JAMSHID ABDIMALIKOVICH	Согласен	
Член комиссии	UKKIYEV XASAN RISQIMBOYEVICH	Согласен	
Член комиссии	MAXMANOV ANVAR BERDIRAXMATOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

ООО "ROAD PROJECT EKSPERTIZA"

город Ташкент, Юнусабадский район,
4-квартал, 53-дом, 2-квартира



**ROAD PROJECT
EKSPERTIZA**

"ROAD PROJECT EKSPERTIZA" MCHJ

Toshkent shaxri, Yunusobod tumani,
4-mavze, 53-uy, 2-xonadon

Тошкент ш.



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Корхона директори

А. Ходжиматова
« 31 » 05 2022 йил

4Н712 д "А-373 автомобил йўлидан Тут кишлоғига шахобча" автомобиль йўлининг 0-5 км қисмларини жорий таъмирлаш смета хужжатларига
(31.05.2022-йилдаги 172-сонли шартномага асосан)

198/7п– 2022 – сонли экспертиза хулосаси

Буюртмачи	Тошкент вилояти АЙХББ
Лойиҳа ташкилоти	«MODERN ROAD PROJECT» МЧЖ
Пудратчи ташкилот	Танлов асосида аниқланади
Лойиҳа бош муҳандиси	А. Кадырхаджаев
Қурилиш тури	Жорий таъмирлаш
Молиялаштириш манбаи	Маҳаллий бюджет

1. Смета хужжатларини тузиш учун асос:

1.1. Нуқсонлар қайдномаси (ведомость дефектов).

2. Экспертизага тақдим этилган хужжатлар:

2.1. «MODERN ROAD PROJECT» МЧЖнинг 31.05.2022 йилдаги 2022/63-сонли хати.

2.2. Смета хужжатлари – 1 дона китоб.

3. Техник қисми:

3.1. 4Н712 д "А-373 автомобил йўлидан Тут кишлоғига шахобча" автомобиль йўлининг кучасининг умумий узунлиги -1540,0 м.

4. Смета хужжатларининг қисқача мазмуни.

4.1. Қўрилаётган смета хужжатларида 4Н712 д "А-373 автомобил йўлидан Тут кишлоғига шахобча" автомобиль йўлининг 0-5 км қисмларини жорий таъмирлаш иш хажмлари ва харажатлари кўзда тутилган.



4.2. Кўрилаётган смета хужжатларида 4Н712 д “А-373 автомобил йулидан Тут кишлогига шахобча” автомобиль йўлининг 0-5 км қисмларини жорий таъмирлаш объекти, Тошкент вилояти АЙХББ раҳбари томонидан тасдиқланган нуқсонлар кайдномаси асос бўлиб хизмат қилади.

4.3. Объектни куриш даврида бажарилган ишлар хажми, қўлланилган курилиш материаллари нархи, машина-механизмлар эксплуатацияси нархи, транспорт харажатлари ва “пудратчининг бошқа харажатлари” даражаси Пудратчи томонидан амалда бажарилган ва тақдим этилган хужжатлар асосида қабул қилиниши лозим.

4.4. Смета хужжатлари “Капитал курилишда иқтисодий ислохатлар ва нархларни шакллантириш Маркази” томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва курилиш Қўмитасининг 2007 йил 28 декабр 129-сон буйруғи билан тасдиқланган “Методик тавсиялар”, “Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига рўёбга чиқарилаётган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда шартномавий-тўла нархларга ўтиш тўғрисида” ЎЗР ВМнинг 11 июн 2003 йилдаги 261-сонли қарорига ва ШНҚ 4.01.16-09 “Курилиш баҳосини шартномавий тўла нархда аниқлаш қоидалари”га асосан ишлаб чиқилган.

5. Хулоса:

5.1 Кўрилаётган смета 4Н712 д “А-373 автомобил йўлидан Тут кишлогига шахобча” автомобиль йўлининг 0-5 км қисмларини жорий таъмирлаш смета хужжатларини кўриб чиқиш вақтида аниқланган камчилик ва нуқсонлар бартараф этилгандан сўнг, қуйидаги техник-иқтисодий кўрсаткичлар билан тасдиқлаш учун тавсия этилади:

№	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Тақдим килинган	Тавсия қилинади
1.	Объектни жорий таъмирлаш баҳоси (ҚҚС билан)	минг сўм	1 034 108,740	1 021 687,833

Мутахассис эксперт



Айходжаев М.М.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент вилояти АЙБ

Бошқарма бошлиги

Дж.Бекмурзаев

30.06. 2022 йил



Тошкент вилояти Охангарон туман 4Н712д “А-373 автомобиль йўлидан Тут қишлоғига шахобча” автомобиль йўлининг 0-5 км қисмларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича танлов комиссиясининг йиғилиш

2 -сонли БАЁННОМАСИ

Нурафшон ш.

30.06. 2022 й.

Йиғилиш раиси:

Ш.Тагаев – Бошқарма бош муҳандиси

Котиб:

**А.Назаров – Автомобиль йўлларида
фойдаланиш ва техник ҳолатини таҳлил
қилиш бўлим бошлиғи**

Йиғилиш

қатнашчилари:

**Х.Уккиев – Мониторинг бўлими бош
мутахассиси;**

Ж.Хаитов – юрист;

А.Махманов – молия бўлими бошлиғи;

**Т.Ғаниев – Коррупцияга қарши курашиш ички
назорат бўйича Бош мутахассис;**

КУН ТАРТИБИ

Тошкент вилояти Охангарон тумани 4Н712д “А-373 автомобиль йўлидан Тут қишлоғига шахобча” автомобиль йўлининг 0-5 км қисмларини жорий таъмирлаш бажариш бўйича “Бош пудратчи” ташкилотларнинг тижорат таклифларини ўрганиш тўғрисида.

Йиғилишни Тошкент вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси бош муҳандиси Ш.Тагаев олиб борди. Бошқарма бош муҳандиси Ш.Тагаев сўзга чиқиб, Охангарон тумани 4Н712д “А-373 автомобиль йўлидан Тут қишлоғига шахобча” автомобиль йўлининг 0-5 км қисмларини таъмирлаш ишларини бажариш тўғрисида йиғилиш қатнашчиларини таништириб ўтди. Шунга асосан, Охангарон тумани 4Н712д “А-373 автомобиль йўлидан Тут қишлоғига шахобча” автомобиль йўлининг 0-5 км

қисмларини таъмирлаш ишларини амалга ошириш мақсадида мувофиқлигини билдирди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида, Тошкент вилояти Оҳангарон туман 4Н712д “А-373 автомобиль йўлидан Тут қишлоғига шахобча” автомобиль йўлининг 0-5 км қисмларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун пудратчи корхоналарни саралаш тўғрисида гапирди. Шу билан бирга жорий йилнинг 16.05.2022 йилда “etender.uzex.uz” порталига “Бош пудратчи корхоналарни аниқлаш” бўйича эълон жойлаштирилганлиги тўғрисида таъкидлаб ўтди.

Унга кўра, Тошкент вилояти Оҳангарон туман 4Н712д “А-373 автомобиль йўлидан Тут қишлоғига шахобча” автомобиль йўлининг 0-5 км қисмларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича 16.06.2022 йилдаги № 104456-сонли лот билан (etender.uzex.uz) эълон берилган. Куйида келтирилган корхоналар “MODERN ROAD PROJECT” МЧЖ, “GEO PROEKT” МЧЖ, “OPTIMAL ARCHITECT GROUP” МЧЖ лойиха ташкилотлари томонидан тижорат таклифи таъкидлаб ўтди.

Корхоналар номи	“Тошкент вилояти Оҳангарон туман 4Н712д “А-373 автомобиль йўлидан Тут қишлоғига шахобча” автомобиль йўлининг 0-5 км қисмларини жорий таъмирлаш” объектида ишларни бажариш учун таклиф этилган қиймати, сўм
"BO'KA TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH" unitar korxonasi	969 321 461,0
"AVANGARDIDEAL PLYUS" МЧЖ	920 540 737,0
"PARKENT TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH" unitar korxonasi	935 000 000,0
"QIBRAY TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH" unitar korxonasi	956 687 833,0
"OHANGARON TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH" unitar korxonasi	960 878 400,0
"IDEAL ASFALT BROK" МЧЖ	977 538 437,0
"EURO GLOBAL ASPHALT" МЧЖ	960 351 965,0

Берилган тижорат таклифларидан келиб чиқиб, “etender.uzex.uz” портали орқали ҳамда 27.06.2022 йилдаги электрон ўтказиш усули баённомасида "BO'KA TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH" УК томонидан берилган тижорат таклифини энг мақбул таклиф деб топди. Ҳолиб деб топилган "BO'KA TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH" УК бўйича 2 кун муддатда ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлиги

сабабли, ушбу пудратчи корхона билан Оҳангарон туман 4Н712д “А-373 автомобиль йўлидан Тут қишлоғига шахобча” автомобиль йўлининг 0-5 км қисмларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун пудрат шартномасини расмийлаштириш ҳамда тузилган шартномани Оҳангарон тумани Ҳазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказиш вазифаси Бошқарма бухгалтерияси (А.Махманов)га топширилсин.

Комиссия раиси



Ш.Тагаев



Х.Уккиев



Ж.Хаитов



А.Махманов



Т.Ганиев

Котиб



А.Назаров



Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига ҳамда Халқ депутатлари Охангарон туман Кенгашининг VI-61-47-10-134-К/22-сонли қарорига асосан
жамоатчилик фикри асосида шакллантиган тадбирлар рўйхатига киритилган йўлларни таъмирлаш ишлари бўйича 2022-йил учун

МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

T/R	Объектлар номи ва манзили	Қурилиш ишларининг бошланиши ва тугаланиш йили	Лойиҳавий қуввати, тегишли ўлчов бирликларида (км/км)	Таъмирлаш ишларининг пулрат шартномаси тузилган вақтдаги умумий қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	01.01.2022 йил ҳолатига объектнинг қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	01.01.2022 йил ҳолатига объектнинг таъмирлаш ишлари қайта ҳисобланган қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	2022 йил режаси					2022 йилда ишга туширилиши		Объектнинг келгуси йилга ўтказилган 01.01.2023 йилга қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	Объектнинг келгуси йилга ўтказилган 01.01.2023 йилга қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	Лойиҳа экспертиза санаси ва рақами	Тендер шартномаси баённомаси тасдиқланган сана ва рақами	Пулрат қурилиш ташкилотлари	
							Жами маблағлар лимити	ҚМИ	Жаҳозлар	Шу жумладан		Қуввати ва муддати	Асосий фондлар						
										Буюртмачининг бошқа харажатлари									
										Жами	Шундан буюртмачининг бошқа харажатлари								
1		2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
1	Охангарон тумани «Тут МФЙ» 4н712д А-373 автомобиль йулидан Тут кишлоғига шаҳобча (0-5) кмда жорий таъмирлаш	2022 й	5,0	997,821	997,821	997,821	997,821	997,821	969,321		28,500		5,0 км	997,821			31.05.2022 йил 198/7п-2022	27.06.2022 йил №104456	Бўка ТИФУК
				28,500	28,500	28,500	28,500						2022 й						
				997,821	997,821	997,821	997,821						997,821		28,500				
Жами:			5,0	997,821	997,821	997,821	997,821	997,821	969,321		28,500		5,0 км	997,821					

